

Университет ҳаётидан

ШАҲРИСАБЗДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ: ҚАРДУГА ЭЪТИРОФ

Ёшлар ойлиги доирасида Шаҳрисабз шаҳрининг Амир Темур хиёбонида "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик" шиори остида ёшлар фестивали ва шоу гала-концерт бўлиб ўтди. Байрамона руҳда ўтган тадбирда Қарши давлат университети жамоаси ва талаба-ёшлари фаол иштирок этишди.



Дастур тантанали тарзда Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимовнинг ёшларга йўллаган самимий табрик сўзи билан бошланди. Ташаббускор ва фаол ёшларга билдирилган бу юксак эътибор уларнинг келажақ сари дадил одимлашида муҳим рағбат бўлди.

Тадбир давомида Қарши давлат университети "Энг фаол давлат олий таълим муассасаси" номинацияси бўйича ташаккурнома билан

тақдирланди. Бу эътироф университет жамоасининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаоллиги ва изланувчанлигини яна бир бор намоён этди.

Концерт дастурида пойтахтдан ташриф буюрган санъаткорларнинг гўзал ижроси, ёрқин чиқишлари байрамга алоҳида кўтаринкилик бағишлади. Дилбар кўшиқлар, рақслар ва самимий кайфият ёшлар қалбида унутилмас таассуротлар қолдирди.

ҚАРАҲ — ИСТАНБУЛДА УЧРАШУВЛАР ВА ЯНГИ ҲАМКОРЛИКЛАР

Айни кунларда Истанбул шаҳрида ўтаётган "Times Higher Education Global Sustainable Development Congress" доирасида Қарши давлат университети учун муҳим аҳамиятга эга учрашувлар бўлиб ўтди.

Кун давомида университет вакиллари Times Higher Education'нинг халқаро алоқалар бўйича бош ходими Фил Бейти, халқаро обуналар бўйича минтақавий директори Том Арнотт ҳамда Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лачин Италмазова билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувларда Қарши давлат университетининг халқаро нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот йўналишларини ривожлантириш, THE платформасидаги маълумотлар ва рейтинг кўрсаткичларини такомиллаштириш, шунингдек, барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамкорлик имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувлар якунида ҳамкорларга университет логотипи ва миллий қадриятлар акс этган эсдалик совғалар топширилди. Шу куни Қарши давлат университети Туркиянинг Анкара университети ва Бурдур М.А.Эрсой университети билан академик ҳамкорликка оид меморандумлар имзолади.



ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ THE IMPACT RANKINGS 2025 РЕЙТИНГИДА САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШДИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган Global Sustainable Development Congress доирасида Times Higher Education (THE) Impact Rankings 2025 натижалари эълон қилинди. Ушбу рейтинг университетларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган 17 та Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (SDG) бўйича жамият ва атроф-муҳитга қўшаётган реал ҳиссасига асосланган ҳолда шакллантирилади.

Қарши давлат университети THE Impact Rankings 2025 рейтингига 1500 таликдан жой эгаллаб, ўтган йилга нисбатан сезиларли юксалишга эришди. Жумладан, агар 2024 йилда университетимиз 5 та SDG йўналиши бўйича ТОП-1000 таликка кирган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 9 та йўналишга етди.

Куйидаги йўналишларда университет юқори натижаларни қайд этди:

- "Life Below Water" - 601+
- "Life on Land" - 601-800
- "Zero Hunger" - 601-800
- "Affordable and Clean Energy" - 601-800
- "Responsible Consumption and Production" - 801+
- "Clean Water and Sanitation" - 801-1000
- "Climate Action" - 801-1000
- "Industry, Innovation and Infrastructure" - 801-1000
- "Sustainable Cities and Communities" - 801-1000

Шунингдек, қолган 8 та йўналишларда ҳам университет 1000-1500 талик рўйхатдан жой олди. Бу натижалар Қарши давлат университетининг ижтимоий масъулият, экологик барқарорлик ва инновацияларга содиқлигини тасдиқлайди.



"ВАЗИР КУБОГИ" МУСОБАҚАСИДА ТАЛАБАМИЗ ФАХРЛИ ЎРИННИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Кураш спорт тури бўйича "Вазир кубоги" мусобақасининг Республика финал босқичида +81 кг вазн тоифасида фахрли учинчи ўринни ҚАРДУ талабаси Кувончбек Шерназаров қўлга киритди.

Ушбу ёрқин натижа билан мураббий Одилжон Суюнов ҳамда талабамизни табриклаймиз! Муваффақиятлар бардавом бўлсин!



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан 2025 йил 23 июн куни 03/31-2/1-115 сонли хат билан 6 та янги қабул қилинган норматив ҳужжатлар юборилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлар базаси "www.lex.uz. Сайтида танишиб чиқиш мумкин.

Жумладан, 2025 йил 16 июн куни қабул қилинган 1069-сонли "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни суд ижро ҳужжатларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, ижро жараёнларини шаффофлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг қарздорликлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белгиланишини, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш чоғида давлат ижрочилари томонидан мобил видеокузатув воситаларидан фойдаланилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида 12.06.2025 йилдаги 362-сонли қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорлари бўйича 4-банди янги тахрирда баён этилиб, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларида хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркибига (чет тиллари, хорижий филология, чет тили ва таржима йўналишларининг касбий ва махсус фанлари ўқитувчилари бундан мустасно), шу жумладан, меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида ўқув машғулотларини ўтказадиган профессор-ўқитувчилар таркибига чет тилида айрим махсус ўқув фанларини ўқитганлик учун фанни ўқитиш курсининг давомийлигига ва чет тилини ўқитиш касб маҳоратига қараб, бюджет маблағлари ҳисобидан уларнинг лавозим маошларига базавий лавозим маошининг (меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорининг) 25 фоизидан 100 фоизигача бўлган миқдорда ойлик устамалар белгиланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 517-сон қарори билан тасдиқланган "Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида" ги низомнинг 16-банди қуйидаги мазмундаги

иккинчи хатбоши билан тўлдирилиб, "Бунда бошқа тоифадаги ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган устамаларнинг энг юқори миқдори 400 фоиздан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, Зарур ҳолларда олий таълим муассасаларига малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида бошқа тоифадаги ходимларнинг иш ҳақиға нисбатан белгиланадиган устамаларнинг энг юқори миқдори олий таълим муассасасининг Кенгаши томонидан мустақил белгиланиши мумкинлиги белгиланди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низом 52-банд хабоши билан тўлдирилиб, "Олий таълимдан кейинги таълим институтлари мавжуд бўлган илмий ва таълим ташкилотлари ҳар йили 2 марта (июн ва декабр ойларида) изланувчилар фаолиятини ички мониторинг қилиши, Ички мониторинг мазкур Низомнинг 53-55-бандларига мувофиқ ўтказилиши белгиланди ҳамда Низомнинг 55-бандига кўра, Мониторинг натижалари Коллегиал орган томонидан кўриб чиқиши ва тасдиқланиши, докторантлар таянч докторантура ёки докторантурадан ўз аризасига мувофиқ, саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида), якка тартибдаги режаларини бажармаганда, илмий ёки таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини тизимли (уч ёки ундан ортиқ) равишда бузганда, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинганда, ҳисоботларни белгиланган муддатда тақдим этмаганда, диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш талабини бузганда четлатилиши мумкинлиги, докторантурадан мониторинг натижалари бўйича четлатилган ёки диссертациясини муддатида ҳимоя қилмаган шахслар диссертациясини тугатиш ва ҳимоя қилиш даврида мустақил изланувчи сифатида расмийлаштирилиши мумкинлиги, илмий ёки таълим ташкилотининг ички тартиб-қоидаларини бузгани учун ўқишдан четлатилган шахслар ўқишга қайта тикланмаслиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.06.2025 йилдаги 374-сонли "Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейларнинг иқтидорли битирувчиларини "юриспруденция" йўналиши мавжуд олий таълим ташкилотларига суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида" қарори қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикасида юридик кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий талаблар асосида ислоҳ қилиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ва таълим жараёнида самарадорликни ошириш борасида яна бир муҳим қадам қўйилди.

Умуман олганда, янги қабул қилинган норматив ҳужжатлар ва киритилган ўзгартиришлар мамлакатда ижтимоий давлат тамойилларини амалда татбиқ этиш, аҳолининг етим, ногирон, кам таъминланган, ёлғиз кишилар ва бошқа эҳтиёжманд қатламлари учун молиявий енгилликлар яратиш, уларнинг давлат хизматларига осон ва адолатли киришини таъминлаш мақсадида муҳим аҳамият касб этади.

С.И.АЗИЗОВ,
Университет катта юрисконсульти

РАҲБАР ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси "Ёш экологлар" ҳаракати ва Ёш туризм элчилари Кенгашларининг иш режаси доирасида Қарши давлат университетида навбатдаги учрашув ташкил этилди. Унда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бўлим бошлиғи З.Абдуллаева, вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Закиров, вилоят прокуратураси вакили О.Саноев, вилоят экология бошқармаси ўринбосари О.Шодмонов ҳамда университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтган учрашувда ёшларнинг экологик масалалардаги фаоллиги, ташаббуслари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Шунингдек, экологик масъулиятни оширишга қаратилган видеороликлар намойиш этилиб, мутахассислар ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Учрашувдан асосий мақсад — ёш экологлар сафини кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёшларни кенг жалб этишдан иборат.



ҚАРДУ ВАКИЛЛАРИ "UNIVERSITI SAINS MALAYSIA"ДА МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Қарши давлат университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи Зулқайнар Назиров ҳамда Халқаро рейтинглар ва аккредитация бўлими мутахассиси Фаррух Аминов халқаро ҳамкорлик доирасида Малайзиянинг нуфузли олий таълим муассасаси - Universiti Sains Malaysia (USM)да қисқа муддатли стажировка ўтадилар. Мазкур стажировка Тимес Ҳигхер Эдусатион (THE) халқаро рейтингининг Топ-401-500 ўрни ва THE Impact Rankings барқарорлик рейтингининг Топ-14 поғонасида қайд этилган USM тажрибасини



ўрганиш, таълим сифатини ошириш, аккредитация ва рейтингларга тайёрлов тизимлари билан танишиш мақсадида ташкил этилди.

Стажировка давомида университет вакиллари USMдаги қатор марказлар ва структуравий бўлинмалар фаолияти билан танишдилар. Хусусан, Таълим сифати маркази директори, профессор Ирфан Науфал Умар бошчилигида таълим йўналишларини шакллантириш тартиби, ўқув режаларнинг Малайзия Таълим сифати агентлиги стандартларига мослиги юзасидан маълумотлар берилди. Шунингдек, муҳандислик кампусидаги Ўзини ўзи аккредитация қилиш маркази директори, профессор Азура Рашид иштирокида аккредитация жараёнлари бўйича тажриба алмашилди.

Дастур давомида Академик салоҳиятни ривожлантириш маркази, Тиллар, саводхонлик ва таржима мактаби, Лаборатория бошқарув маркази, шунингдек, Глобал археологик тадқиқот маркази фаолиятлари ҳам ўрганилди. Ушбу ташрифлар чоғида замонавий ўқитиш методлари асосидаги малака ошириш курслари, барча лаборатория жиҳозларини рақамли тизимда бошқариш имкониятлари, ҳамда илмий тадқиқот лабораториялари инфратузилмаси билан яқиндан танишилди.

Мазкур стажировка Қарши давлат университети учун халқаро илғор тажрибаларни ўрганиш, таълим сифатини янада такомиллаштириш ва рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Муносабат

ҚАШҚАДАРЁ: ИСЛОҲОТЛАР
ВА ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

Жорий йилнинг 19-20 июн кунларида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Юртбошимиз ташрифнинг илк манзили "Alp techno servis" корхонаси бўлди. Фаолият бошлаганига у қадар кўп вақт бўлмаган мазкур корхона қиймати 10 миллион долларни ташлик этувчи электр техникаси йўналишида хорижда ўз бозорини топган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Корхонада хорижий "TSL", "HOFMANN" брендлари учун буюртмалар тайёрлаб берилмоқда. Айти пайтда йилига 500 минг

донагача телевизор ва электрон платалар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йили 2 миллион доллардан зиёд экспорт қилинган бўлса, жорий йилда экспорт ҳажмини 10 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Ҳозирда 200 киши иш билан таъминланган корхонада келгусида 20 миллион долларлик яна 4 та

лойиҳани амалга ошириб, чангютгич, электр чойнак, ҳаво совутгич, вентиляторлар ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмининг ҳам ошишига замин бўлади.

Давлатимиз раҳбари нурунийлар, эл кайвонилари билан биргаликда Шаҳрисабз шаҳрига ташриф буюриб, бу ерда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, воҳада туризм, энергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Жумладан, президентимиз Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология марказида бўлиб, у ерда беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Таъкидлаш кераки, яқинда ўз фаолиятини бошлаган "Оқ сарой" клиникаси Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган. Клиникада 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хоналари, 100 дан ортиқ ўринлар мавжуд. Шифохонада бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардиожарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти мавжуд.

Маълумки, Шаҳрисабз шаҳри ўзининг кўҳна тарихий қадамжолари билан бир қаторда сўлим табиати билан ҳақ доврў қозонган. Ҳудудда эко туризмни ривожлантириш учун етарлича имкониятлар мавжуд. Президентимиз 2023 йил 28 ноябрда "Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилган эди. Ушбу қарор асосида Мираки халқаро туризм марказини ташкил этиш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Мираки, Амир Темури, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларида умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида эса ҳудудда минглаб янги иш ўринлари яратилади. Юртбошимиз Ҳисор тизмалари ён-бағридаги туризм лойиҳалари билан танишиш давомида ўз

кўрсатма ва тавсияларини ҳам билдириб ўтди.

Ташриф доирасида президентимиз Яккабоғ туманида бунёд этилган "Янги Ўзбекистон" массивини бориб кўрди. Туман қиёфасига янада кўрк бахш этган 54 та беш қаватли уйлар аҳоли турмуш фаровонлиги ортиб бораётгани, инсон қадри юксалаётганининг яна бир далили десак муболаға бўлмайди. Юртбошимиз ҳудудда барпо этилган замонавий "Эко бозор"ни кўздан кечириш жараёнида сотувчи ва харидорлар билан дилдан мулоқот қилди. Аҳоли вакиллари яратиб берилаётган мана шундай имконият ва шароитлардан, тинч ва осуда ўтаётган ҳар бир кунидан мамнун эканлигини таъкидлашди.



Ташрифнинг иккинчи кунида давлатимиз раҳбари Қўқдала туманига ташриф буюрди. Бу ерда Қашқадарёни комплекс ривожлантиришнинг устувор вазибаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда йиллар давомида вилоятда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар хусусида фикр билдирилди. Жумладан, Вилоят пахта етиштириш бўйича етакчи бўлсада, тўқимачилик sanoатидаги улуши 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳозирда 100 минг тонна ип-калаванинг атиги 28 фоизи қайта ишланади. Шу мақсадда Косондаги 40 гектарда ташкил этилган янги технопаркда 200 миллион долларлик 12 та лойиҳа қилиш режалаштирилган. Лекин сув тозалаш иншооти ва канализация йўқлиги учун ишлар тўхтаб қолган. Мутасаддиларга технопарк инфратузилмаси учун маблағ ажратиш топширилди.

Умуман, 400 миллион долларлик 35 та лойиҳани бошлаб, бу йил ип-калавани қайта ишлашни 51 фоизга, келгуси йили 100 фоизга етказиш вазибаси қўйилди.

"Амир Темуридек буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олийжаноб Қашқадарё аҳли билан олдимизга қўйган катта-катта марраларга, албатта, эришамиз. Аминманки, қашқадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади", - деди давлатимиз раҳбари сўзининг якунида.

Дарҳақиқат, биз қашқадарёликлар белни маҳкам боғлаб юртбошимиз ишончини оқлаймиз. Янги Ўзбекистон тараққиёти, мамлакатимиз тинчлиги, аҳоли фаровонлиги учун амалга оширилаётган лойиҳаларни амалда жорий этишда камарбаста бўламиз.

Жобир ИСМАТИЛЛОЕВ,
докторант

Коррупция — бутун дунё бўйлаб жамиятларга чуқур таъсир кўрсатувчи мураккаб ва кўп қиррали муаммолардан биридир. У, нафақат, иқтисодий ривожланиш жараёнларини секинлаштиради, балки инвестициявий муҳитни издан чиқаради, тадбиркорлик ташаббусларини сусайтиради ва ресурсларнинг самарали



тақсимланишига тўсқинлик қилади. Коррупция оқибатида давлат институтларига бўлган ишонч пасаяди, фуқароларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги тамойилига бўлган эътиқод йўқолади, бу эса жамиятда адолатсизлик, ижтимоий норозилик, бекарорликни кучайтириш билан бирга, сиёсий тизимларнинг шаффофлигини сўроққа тутаяди, ижтимоий қатламлар ўртасидаги тафовутни чуқурлаштиради ва ахлоқий қадриятларнинг емирилишига олиб келади. Шу боис ҳам унга қарши курашиш жамият ва давлатнинг муҳим иши бўлиши керак.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ —
БУТУН ЖАМИЯТ МАСЪУЛИЯТИ

Коррупция оддий ҳуқуқбузарлик эмас, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодиса бўлиб, у кўпинча тизимли муаммоларнинг махсули сифатида юзага келади. Унга қарши самарали кураш олиб бориш учун, энг аввало, унинг моҳиятини чуқур англаш, юзага келиш сабаблари ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ҳар томонлама таҳлил қилиш зарур. Чунки коррупциянинг асл мазмуни, механизми ва тарқалиш сабаблари тўлиқ тушунилмагунча, унга қарши курашаётган ҳар қандай чора-тадбирлар юзаки ва самарасиз бўлиши мумкин.

Коррупция — бу шахсий ёки гуруҳ манфаатларини кўзлаб, мансаб ёки ҳокимият ваколатларидан ноқонуний ёки ахлоқий нормаларга зид равишда фойдаланишдир. Илмий адабиётларда расмий ваколатларнинг, қонун ва ахлоқий меъёрларга зид равишда, шахсий манфаат йўлида ишлатилиши натижасида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса коррупция деб юритилади. Оддий сўз билан айтганда, коррупция — бу ҳокимиятга эга шахсларнинг ўз лавозимини шахсий фойда олиш мақсадида суиистеъмом қилиши бўлиб, кўпинча пора олиш, қариндош ёки танишларни лавозимга жойлаштириш, давлат бойликларини ўзлаштириш ёки давлат қарорларини шахсий манфаати учун йўналтириш орқали ифодаланади. Унинг асосий кўринишлари қуйидагилардир:

Порахўрлик — пул ёки совғалар эвазига ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш;

Таъмагирлик — мансабдор шахснинг хизмат кўрсатиш эвазига пора талаб қилиши;

Лавозимни суиистеъмом қилиш — ўз лавозимидан шахсий ёки гуруҳ манфаатлари йўлида фойдаланиш;

Непотизм — қариндош ёки танишларни лавозимга танлаш, малака ва лаёқатни эътиборга олмаслик;

Бюрократик коррупция — давлат хизматлари учун қонунга зид тарзда тўлов талаб қилиш.

Бугун жамиятни энг кўп қийнаётган иллатлардан бири шубҳасиз бу коррупциядир. У фақат алоҳида шахсларнинг эмас, балки бутун давлатнинг тараққиётига тўсиқ бўлаётган хавфли ҳодисадир. Аммо бу иллат қандай пайдо бўлади? Нега баъзи жамиятларда у илдиз отиб, тизимнинг ажралмас қисмига айланиб қолган?

Биринчидан, институционал омиллар ҳақида тўхталайлик. Қонун устуворлиги заиф, суд тизими мустақил эмас, давлат ишларида очиқлик ва шаффофлик етишмайди. Одамлар ахборотга эркин кира олмайди. Бундай шароитда коррупция тинчгина "яшнаши" аниқ. Чунки ҳеч ким уни тўхтатмайди, ҳеч ким уни ошкор қилмайди.

Иккинчидан, иқтисодий ҳолат ҳам муҳим омил. Қашшоқлик юқори, даромадлар ўртасидаги тафовут кескин, иқтисодиёт рақобатга асосланмаган. Табиий бойликлар кўп, аммо улар адолатли бошқарилмайди. Натижада эса, ресурслар бир гуруҳ кишиларнинг қўлида тўплиниб, кенг халқ манфаати поймол бўлади.

Учинчидан, сиёсий муҳит. Агар давлатда сиёсий бекарорлик ҳукм сурса, демократик институтлар кучсиз бўлса, сиёсий партиялар молиявий жиҳатдан шаффоф бўлмаса — коррупция учун яна бир "қулай майдон" юзага келади. Бундай шароитда кимдир ҳалол ишлашга интилса ҳам, тизим уни ё ютиб юборади, ё четга чиқаради.

Тўртинчидан, ижтимоий-маданий омиллар. Баъзан жамиятнинг ўзи коррупцияга нисбатан лоқайд ёки ҳатто бағрикенг бўлиб қолади. ЎТаниш-билишсиз иш битмайди, деган қарашлар кенг қулоч ёяди. Қариндошлик, дўст-ёрлик мезон бўлиб қолади. Ҳалоллик, адолат, виждон — бу сўзлар фақат дарсликлардагина қолади...

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашда фақатгина давлат идоралари эмас, балки жамиятнинг барча қатламлари, айниқса, ёшлар қатнашуви муҳим ўрин тутаяди. Коррупцияга қарши маданият боаликдан бошлаб таълим, ахлоқий тарбия, ижтимоий фаоллик ва замонавий технологиялар орқали шаклланиши зарур. Шу йўл билан коррупциядан ҳоли, адолатли ва барқарор жамият сари дадил қадам ташлаш мумкин бўлади. Ҳар бир мамлакат ўз сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши миллий стратегияни шакллантириши ва уни халқаро тажриба билан уйғунлаштириши лозим. Зеро, коррупциясиз жамият — ҳалол меҳнат, адолатли жамият ва фаровон келажакнинг кафолатидир!

Ш.АХМЕДОВ,
Н.СРАЖИДИНОВА,

Коррупцияга қарши курашиш
"Комплаенс-назорат" тизимини
бошқариш бўлими бош
мутахассислари

ЎТГАНЛАРНИ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси Психология кафедраси ўқитувчиси Латофат Ўриновага отаси
ШАВКАТ БОБОНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси Агрокимё ва экология кафедраси ўқитувчиси Фулом Қудратовга отаси
Дилором ҚУДРАТОВАнинг
бевақт вафоти муносабати чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси Бухгалтерия бўлими ходимаси Тамара Рўзимуродовага акиси
Ботир РЎЗИМУРОДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими ходими Расул Эшмирзаевга турмуш ўртоғи
Мавлуда БОБОКУЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Университет ректорати, жамоаси ва ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси хўжалик бўлими ходими
Озоджон АBAЗОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.



БҮЮК САРКАРЛА — ИСКАНДАР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Ижод аҳли яратган асарлар, нафақат, ўзларининг, балки, халқнинг ҳам орзу-умидлари, мақсадлари, истаклари натижасида дунёга келади. Бундай асарлар ўзининг моҳияти, эстетик қиймати туфайли асраб-авайланади, йиллар, асрлар оша авлодларга етиб келади. Албатта, бир хил мавзудаги асарлар ўртасида тафовутлар бўлиши тайин. Бу эса бизни доимий равишда ўқиб, ўрганишга ва таҳлил қилишга, фикрлашга чорлайди.

Биламизки, тарих ва тарихий асарлар доимий равишда мушоҳада, баҳс ва зиддиятларга бойдир. Яъни, айнан битта образ яратиш давомида ҳар бир ижодкор ўз дунёқараши ва ғояларини сингдиради. Баъзида иккита ёки ундан ортиқ ижодкор асарларида жонланган бир образ маълум бир хусусияти билан бир-бирига зид туради. Шундай образлар ичида Искандар образи алоҳида аҳамиятга молик. Бу ҳол Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асари ҳамда Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки Аҷам" (Араб бўлмаган юртлар тарихи) асарида ҳам акс этган.

Улардаги Искандар образлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Фирдавсий достонининг бошланмасида Искандар адолатли, саховатли шоҳ сифатида тасвирланади. Бунинг исботи сифатида куйидаги мисраларни келтиришимиз мумкин:

Беш йил олмагаймиз жаҳондан хироҳ,

Барча бизниқудир йўқдир эҳтиёж.

Мухтожга берурмиз биз молу давлат.

Бойдан керак эмас бизган иноят.

"Шоҳнома" асарида Искандар қанчалик адолатли қилиб тасвирланган бўлса, шунчалик дунёга, дунё неъматларига берилиб қолганига ҳам ургу берилади. Яъни, у ўз онасига ўлими олдида ёзган номасида куйидаги мисраларни келтиради:

Тиллодан қилингиз тобутим маним,

Анбар ҳидин сочсин тоза кафаним.

Чиний зарбофт эрур танимга лойиқ,

Азамда бор бўлсин жумла ҳалойиқ.

Мум суринг тобутим дарзига ҳар бир,

Ишлатинг кофуру мушк ила абир.

Бол солинг тобутим ичига аввал,

Сўнгра ёйиб қўйинг кимхоба кундал.

Шундан сўнг тобутга қўйинг ўзимни,

Ғамгин наво бошланг, ёпғач юзимни.

Ушбу мисраларда айtilган Искандарнинг васиятига диққат қаратилса, Искандар тобутни тиллодан, кафанни қимматбаҳо матолардан, барча аҳолини унинг азасида бор бўлишини, тобутига мум суришларни ва бошқаларни айтиб ўтган.

Асар ўқилар экан, ундан барибир қайси аҳоли қатлами бўлмасин, хоҳ шоҳ, хоҳ оддий аҳоли ўзи учун керакли хулосаларни олади. Ушбу асар ҳам ўзининг қийматида эга, унда ҳам ҳикматли байтлар бисёр. Масалан, Искандар вафот этган пайтда кишилар ўз фикрини билдирган:

Борлиқ эди-ку қўлинг,

Нечун, эй шоҳ, бердинг ўлимга қўлинг.

Огоҳмиз инсон ҳолидан,

Лозимдир қўл тийсак, дунё молидан.

"Шоҳнома" асарида тасвирланган шоҳлар деймизми, паҳлавонлар деймизми — барчаси базму жамшидлар, майу шароблар ва турли дабдабалар билан ёнма ён тасвирланади. Ушбу асарда илгари сурилган ғоялар хилма хил. Булардан айнан шоҳларнинг юқори табақа вакили экани, уларга бошқа табақа вакиллари ҳеч қачон тенглаша олмамлиги, хоҳ у қаҳрамон бўлсин, хоҳ ақл-заковатда тенгсиз бир киши. Бунга мисол сифатида бир байтни келтиришимиз мумкин:

Биз ҳам тезда ўлурмиз,

Сен гавҳар эдинг биз тупроқ бўлурмиз.

Ушбу ҳаётий ҳақиқат айнан бир оддий фуқаро томонидан Искандар вафот этган пайтда айtilган. Бунда шоҳларнинг доимо оддий халқдан юқориқроқ экани тасвирланган. Лекин Аллоҳ олдида шоҳ ва гадо ҳаммаси бирдек. Бу асарда ислом дини руҳидан кўра, мифологик қарашлар устун туради.

Алишер Навоийнинг "Тарихи мулуки Аҷам" (Араб бўлмаган юртлар тарихи) асаридаги Искандар образига келадиган бўлсак, унинг отаси - Бозур бинни Албон, онаси — Афлион бинни Нуқо қизи бўлган. Отаси ва бобоси ўртасида доимий зиддиятлар бўлган ва улар ярашишлари мақсадида

Афлион бинни Нуқо қизи билан Бозур бинни Албон турмуш қуришади. Нуқо қизи Албондан ҳомиладор бўлади ва фарзанди туғилгач фарзандини адоват туфайли бир даштга элтиб ташлашади. У жойда қароқчилар кўп, ҳалок бўлади, деб ўйлашади, аммо Аллоҳ таолонинг иродаси билан, бир кампирнинг эҳкиси ҳар куни Искандарга сут бериш учун ана шу даштга келиб туради ва кампир буни сезиб эҳкисини ортидан кузатиб Искандарни топиб, уни ўғил қилиб олади. Ва шу тахлит Искандар катта бўлади. Искандар жуда билимли ва уддабурон бўладиги, ёшлигидан сипоҳлик русумларини ўрганиб, меҳнатда катта бўлади. Искандар катта бўлиб, бир шаҳарга яъни бобо юртига бориб қолади. Бу пайтда унинг онаси қаср томида боғни томошо қилаётган бўлади Искандарни кўриб унга нисбатан меҳр ҳис қилади. Шунда у суриштириб Искандарни ўғли эканлигини билади ва бу ҳақида отасига хабар беради. Бу хабарни эшитган бобоси Искандарга барча тожу тахтни топшириб, қолган умрини ибодат билан ўтказди. Ундан кейин Искандар ота юртини ҳам эгаллаб жаҳонга подшоҳ бўлади. Унинг ҳукмдорлик йиллари турли манбаларда турлича қўрсатилади. Асарда Искандар ҳақида шундай ривоят келади: Искандар вафоти олдида васият қиладики, уни қабрга томон олиб кетаётганларида бир қўлини тобутдан чиқариб кўтарсинлар. Токи одамлар кўрсинларким, Искандардай жаҳон пошохи сўнгги манзилга бўш қўл билан кетмоқда. У Яъжуж маъжужларни мавҳ этди, Марв, Хирот, Самарқанд ва Исфохонни бино қилди, аммо алал оқибат бу ўткинчи бевафо дунё унга вафо қилмади. Одамлар бундан хулоса чиқарсинлар. Одам яшар экан фақат бу дунё учун эмас, балки у дунё учун ҳам яхши ишлар, эзгу амаллар, иймон ва пок виждон билан яшасинлар. У дунёга на жаҳон подшоҳлиги, на моддий ҳеч бири инсон билан бирга кетмаслиги, фақат ва фақат одам ўзи қилган яхши ишлари ва эзгу амаллари у билан бирга бўлиши таъкидланади. Ҳаттоки, Искандар вафотидан сўнг буларнинг барчасидан хулоса чиқарган ўғли отаси давлатининг шоҳлигидан воз кечади.

Искандарнинг вафоти тўғрисида Навоий куйидаги маснавийни келтириб ўтади:

Сқандарки фатх айлади баҳру бар,

Кўриб тахти фармониға хушку тар.

Етишти зухал авжига рифати,

Чалинди фалак тоқиға навбати.

Валоят била ҳикмату шоҳлиғ,

Нубуввати ишидин ҳам огоҳлиғ.

Ғаҳи Садди Яъжуж қисм айлабон,

Ғаҳи юз ажойиб тилсим айлабон.

Бу, о ҳашамат бериб изидан пок анга,

Не зулм этти, кўр чархи бебоқ анга.

Ки ҳоли қўлин бенаволар киби,

Узотиб борурда гадолар киби.

Чиқарди жаҳон мулкидан воясиз,

Қўли комидан, нақдидан моясиз.

Яналарга кўр, чархи нетқусидур,

Санга ё манга худ не етқусидур.

Навоийнинг қайси асарини олиб қарамайлик унда ислом динининг бевосита таъсири сезилиб туради. Навоий асарларида қандай табақа вакили бўлишидан қатъий назар комил инсон тасвирини чизишга уринади. Навоий яратган шоҳ образлари ўз идеалидан келиб чиқиб яратилган. Бу жараёнда Навоий ўз принципларига таянади. Унда Навоий яратган шоҳлар инсонпарварликни, адолатни, иймонлиликни ва меҳнатсеварликни улуглайди. Ижобий шоҳ образларида юқорида санаб ўтилган хусусиятлар етук шахс эканлиги сифатида берилса, салбий шоҳ образларида камчилий сифатида берилиб ўтилади.

Умуман, Навоий, Фирдавсий ёки бошқа улуг адабиёт вакиллари назарда тутамизми, ҳар бири образ яратишда ўз принципларига таянган. Балки, Фирдавсий кўзи билган кўрган шоҳларининг характерлар умумлашмасини яратган бўлса, Навоий ўзи кўрмоқчи бўлган шоҳлар образини яратгандир. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу икки асар тенгсиз ва дурдона асарлар сирасига киради.

Севинч ҚОСИМОВА,
талаба



ИЛМ ВА ҲИЛМ ТАЖАССУМ ЭТГАН ИНСОН

Қарши давлат университети жамоаси, бутун илм-фан аҳли, шогирдлар ва дўстлар юракларда оғрик билан биология фанлари доктори, профессор, Турон фанлар академиясининг академиги, I даражали Меҳнат фахрийси, юксак маънавиятли инсон ва зиёли шахс — Шониез Қурбонов билан видолашди.

Шониез Қурбонов 1957-1962 йилларда Самарқанд давлат университетининг биология факультетини имтиёзли диплом билан якунлаб, бутун умрини Қарши шаҳридаги олий таълим, фан ва таълим-тарбия соҳаларига бағишладилар. 63 йиллик фаолиятлари давомида Қарши давлат университетида катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, факультет декани, проректор, кафедра мудири ва кафедра профессори каби лавозимларда самарали меҳнат қилдилар.

У киши илмий соҳада катта мактаб яратган инсон эдилар. 1970 йилда И.П.Павлов номидаги физиология институтида номзодлик, 1982 йили эса Москва шаҳрида "Тиббиёт ва биология муаммолари" институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. 1984 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлганлар.

Профессор Ш.Қурбонов нафақат юқори малакали олим, балки халқ дарди билан яшаган зиёли инсон эдилар. У кишининг 7 та дарслиги, 10 та ўқув қўлланмаси, 12 та монографияси ва 350 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари илм-фан хазинасини бойитди. "Соғлом овқатланиш", "Соғлом турмуш тарзи" мавзуларидаги ишлари эса кенг аҳоли қатламлари орасида саломатликни сақлаш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди.

1985-1992 йилларда Қарши давлат университети проректори сифатида таълим сифатини ошириш, ўқув-услубий ишларда тизимли янгилликларни жорий қилиш ва ёш мутахассисларни тайёрлашда катта ҳисса қўшдилар. 1997-2012 йилларда физиология кафедраси мудири сифатида кафедра илмий салоҳиятини янги босқичга олиб чиқдилар.

Профессор Ш.Қурбонов кўплаб ёш тадқиқотчиларнинг илмий етакчиси бўлган. У кишининг раҳбарлигида 6 та номзодлик ва 2 та PhD диссертацияси ҳимоя қилинган.

Устоз Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи Кенгашнинг раиси, шунингдек, СамДУ қошидаги кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаол ва самарали иш олиб бораётган эдилар.

У киши университетнинг жамоатчилик ҳаётида ҳам фаол иштирок этганлар, маънавий-маърифий ишларга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Университетнинг спорт инфратузилмаси яратилиши, юқори малакали спортчилар етиштирилишида ҳам катта меҳнат қилганлар.

Шониез Қурбонов ўзида уч фазилатни бирлаштира олган инсон эдилар:

— илм соҳасида — олим,

— таълимда — устоз,

— ҳаётда — ватанпарвар инсон.

У киши нафақат университет жамоасининг, балки бутун миллатнинг фахри, юртимиз биология ва тиббиёт фанлари равнақиға улкан ҳисса қўшган замонавий олим эди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Шониез Қурбонов илмга садоқатли, ҳалоллик ва ватанпарварлик тимсоли, талабчан ва меҳрибон устоз, билимни қадрлайдиган инсон сифатида ҳамisha ёдимизда қолади.

Аллоҳ таоло бу инсоннинг қилган хайрли ишларини қабул қилсин, жойлари жаннатдан бўлсин. Бу кишининг хотираси қалбларимизда абадий яшайди.

МУАССИС:

Қарши давлат университети

ISSN 2181-7561

Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2007 йил 2 апрелда 14-035 рақами билан рўйхатга олинган

Жамоатчилик кенгаши:

Д.Х.НАБИЕВ,
О.КУЗИЕВ,
А.ХОЛМУРОДОВ,
Х.ДЖУРАЕВ,
И.БЕКПҶЛАТОВ,
А.НОРОВ,
Д.ТҶРАЕВ,
А.ЭРКАЕВ,
А.ШОДИЕВ.

Мухаррир: Фиёсиддин ШОДМОНОВ.

Таҳрир хайъати:

Л.ЁЗИЕВ,
Н.ШОДМОНОВ,
С.ЧОРИЕВ,
Х.ЖАББОРОВ,
Г.ИМОМОВА,
Ш.НУРИДДИНОВ,
Н.ЙҶЛДОШЕВА,
О.БҶРИЕВА,
Д.ШОДМОНОВА,
Ш.КАРОМОВА,
Ж.ИСМАТИЛЛОЕВ.

Газета ойда бир марта чиқади.

Адади: 1000 нусха
Чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти 2025 йил 29 июнь соат 15.00
Баҳоси келишилган нархда

Газета «Photo Express» ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-уй.

Навбатчи: Ж.Исматиллиев
Матн терувчи ва саҳифаловчи: М.Мусаев

Таҳририят манзили: Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Тел: (+99897) 382-21-31

Мурожаат учун бот: @qarshidupressbot
Email: qarun.gazeta@umail.uz
Буюртма №273.

